

МЕХНАТСЕВАР, ОТАШКАЛЗ АВЛОД

Доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг шонли юбилейини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан яшаётган ва ишлаётган ёшларни ҳар бир соҳада — қурилиш майдонларида, дастгоҳлар ёнида, илмий лабораторияларда, маданият ва санъат даргоҳларида, бепосн далалар қўйнида кўриш мумкин.

Ҳа, ёшлик ғайрати бу йил, айниқса, жўш урди. Пахтачиллигимиз учун ғоят машаққатли, бўлган бу йилги шароитда йиғим-терим ишлари қийин бўлди. Ана шундай долзарб паллада ёшлар «Биз сизларга мададкоримиз азиз пахтакорлар!» деб ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Улар учун пахта майдони жасорат майдони бўлиб қолди.

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшган областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидан ҳашарга чиққан мактаблар ўқувчилари ўз бурчларини юксак даражада адо этдилар. Уларнинг кучи билан 120 минг 755,5 тонналик хирмон уюлди.

Ёшлик ғайратига тўлиб-тошган ўғил-қизларнинг ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланди. Қолхоз ва совхозларда таъсис этилган Қизил байроқлар энг яхши мактабларга эсдалик учун топширилди. Уларга қиммат-

баҳо буюмлар ҳадя этилди.

Қишлоқ ёшлари билан шаҳарлик ҳашарчилар ўртасида қизғин дўстлик алоқалари ўрнатилди. Шаҳарлик ёшлар дала шийпонларида, қишлоқ мактабларида оммавий-ташқилий ишларни йўлга қўйишда ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Улар қишлоқда яшовчи ўз тенгдошлари билан ҳар хил темаларда қизиқарли учрашувлар ўтказдилар, спорт майдонларини тартибга келтирдилар, турли кўнгилочар ўйинлар уюштирдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳашарчиларда ҳам, қолхоз ва совхозларда яшовчи йиғит-қизларда ҳам унутилмас таассурот қолдирди.

Терим кампанияси тугагач, қишлоқ аҳли шаҳарлик биродарларига кўрсатган катта кўмаги учун чуқур миннатдорчилик билдириб, энг азиз кишилардек қузатиб қолдилар.

Қайноқ меҳнат мавсуми муваффақиятли якунланди. Мактабларнинг юқори синфларида яна ўқишлар бошланиб кетди.

Ҳорманг энди, азиз ўғил-қизлар!

Ушбу саҳифада областимиз мактаб ўқувчиларининг умумхалқ ҳашарига қатнашиб, йиғим-теримда кўрсатган ҳимматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА

Пахтакорга ҳамма меҳрибон, деган гап рост. Ишчию-инженер, олим-селекционер, ўқувчию-студент — барча деҳқон мададкори. Шаҳарлик биродарларимиз айниқса бу йил бизга катта ҳиммат кўрсатдилар.

Пойтахтнинг Киров районидан келган ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Йиғим-терим ишлари авжи қизган бир пайтда бу ёш ватанпарварлар қолхозимизга келиб қолди.

Терим суъятига суръат қўшилди. Зафар марраси томон тобора яқинлашиб борди. Пахта тайёрлаш планимиз ҳам бажарилиб кетди. Ҳашарчи ўғил-қизларимизнинг қувончлари ичларига сўғмасди. Ахир, катта-катта «оқ олтин» хирмонларида уларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор эди-да! Бу билан ёш ватанпарварлар ҳақин равишда фахрланишар, меҳнат ғалабаси билан бир-бирларини табриклашар эди.

Дарҳақиқат, қолхозимизга кўмакка келган 174-директори ўртоқ Н. Соколова ва 239-илмий бўлим мудири ўртоқ М. Рашидов мактаблар ўқувчилари хирмонимизга баракка киритдилар. Уларнинг ҳар бири кунига 40—50 килограммдан кўрак терди.

Ўқувчилар теримда ҳам, юриш-туришда ҳам намуна бўлдилар. Моҳир педагог Н. Соколова директор бўлган мактаб ўқувчилари ўзaro мусобақа асосида меҳнат қилдилар. 239-мактаб ўқувчилари ҳам пахтакорларимиз хурматини қозондилар. Хуллас, ҳашарчиларнинг беҳимнат ерданидан хурсандимиз. Уларнинг кўмаги билан планимиз тўлди, юзимиз ёруғ бўлди.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб уларга: «Катта раҳмат, меҳнатсевар ўқувчи ва ўқитувчилар» деймиз. Доимо соғ-саломат бўлинг. Ўқилишимизда ва ишларинида муваффақиятларга эришишимизга тилакдошимиз азиз болалар ва жонқуяр ўқитувчилар!

М. ИВРОХИМОВ.

Бўна районидан Жамбул номли қолхоз раиси.



ОЛМАЛИҚ шаҳридаги Терешкова номли ўрта мактаб ўқувчилари ерданидан Бўна районидан Карл Маркс номли қолхоз пахтакорлари хурсанд бўлдилар. Шу мактаб ўқувчиси О. Манарова ҳам илгорлар қаторидан ўрин олди.



АНГРЕН шаҳридаги 5-мактабнинг ўқувчиси Ш. Тўхтажонбаева синфдошлари наби йиғим-теримда актив қатнашди.



А. Ботирова ОХАНГАРОНДАГИ 18-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан бири. У қайноқ меҳнат кўчигида ўзини кўрсатди.



АНГРЕН шаҳридаги 12-мактабнинг ўқувчиси А. Бекмурзаев пахтакорлар хурматини қозонди.



ОЛМАЛИҚ шаҳридаги В. Терешкова номли мактабнинг меҳнатсевар ўқувчиси Г. Ким меҳнатда бошчаларга ўрнак бўлди.

Б. Гафуров фотолари.

РАҲМАТ, БОЛАЖОНЛАР

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг одобли, меҳнатсевар ва ўқинишли бўлишини орау қилади. Бунинг учун ота-оналар ўғил-қизларимизни ёшликдан яхши фазилат эгалари қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Пахта йиғим-терими қизиб турган бир пайтда пахтакорларимиз шовилиб қолдилар. Устига-устак, куз ноқулай келди. Қараб туриш керакмики? Йўқ, албатта! Қўллар қатори мактабларнинг юқори синф ўқувчилари пахтакорларга ёрдамга отландилар. Фарзандларимизни қайноқ меҳнат кучига

хурсандчилик билан қузатиб қўйдик.

Аргамчиға қил қуваёт деганларидек, ўқувчилар қолхозчиларимиз оғирини енгил қилдилар. Тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонини уйдилди. Қолхозчиларнинг меҳнатдаги зафарлари ҳашарга чиққан фарзандларимизнинг, қоласекар, биз ота-оналарнинг ҳам ютуғимиз бўлди, десак янглишмаймиз.

А. КОДИРОВ,
ишчи.
Н. НИКОЛЬСКИЙ,
пенсияер.
З. ОБИДОВА,
кўпбалии она.

Меҳнат-шон-шараф иши

«Барча қувончларнинг манбаи — меҳнатдир», деган эди улуг пролетар ёзувчиси Максим Горький. Шу меҳнат туйғайли турмушимиз фаровон бўлиб бораёпти. Буни биз, ўқувчилар ҳам яхши биламиз. Пахта далаларида ўтказилган ҳашар бизни янада чиниктирди. Пахта тердик, обрў орттирдик. Йиғим-теримдаги меҳнатимиз муносиб тақдирланди.

Далаларда етиштирилган дурдоналар — азамат пахтакорларнинг йил бўйи қилган ҳалол меҳнатининг махсули. Пахта терар эканмиз, буни чуқур хис қилар, бир

ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашга ҳаракат қилардик. Ораимизда кундалик терим нормасини бажармаган бирон ўқувчи бўлмади. Пахтакорлар бизларни исзатикром билан қузатиб қўйишди. Ўқилларимиз кўпайиб кетди.

Лозим бўлиб қолса, деҳқонларга ёрдам беришга доим тайёрмиз. Бу — бизнинг ватанпарварлик бурчимиз.

Ш. АЗИЗМАТОВ,
В. БОГАТОВ,
Б. УМАЕВА,
Ангрэн шаҳри мактаб ўқувчилари.



РИХСИ Хожиева ўз дугоналари билан «Ленинизм» қолхозини далаларида пахтакорларга «оқ олтин» териб олишда катта ёрдам берди. Пахтакорлар оғирини енгил қилишда Янгийўл райониданги 10-мактаб ўқувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Суратда: Р. Хожиева.



ҲАМИША ҲАМКОР, МАДАДКОР

Ҳақимизда яхши анъана бор: бирон катта юмуш қийин қолса, кўпчилик бир ёқадан бош қиқариб, ишга киришади. Миришкор заршунослар пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин» дурдоналарини йиғиб-териб олиш иши ҳам умумхалқ ҳашари бўлди.

Катта ҳашарда областимиз мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам актив қатнашдилар. Мухбиримиз област ҳалқ маорифи бўлимининг бош инспектори С. Собитов билан узрашиб, ўқувчиларнинг «оқ олтин» далаларида қилган меҳнатлари ва ҳашар натижалари ҳақида сўхбатлашди.

— Бу йил пахтакорларимиз учун айниқса оғир йил бўлди, — дейди ўртоқ С. Собитов. — Йиғим-терим қизғин паллага кирган бир пайтда ёғингарчилик бошланиб қолди. Республикада кундалик терим нормасини бажармаган бирон ўқувчи бўлмади. Пахтакорлар бизларни исзатикром билан қузатиб қўйишди. Ўқилларимиз кўпайиб кетди.

Лозим бўлиб қолса, деҳқонларга ёрдам беришга доим тайёрмиз. Бу — бизнинг ватанпарварлик бурчимиз.

Умумхалқ ҳашарида 63 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этди. 1300 дан ортиқ ҳалқ маорифи ходими пахтакорга мададкор бўлди. Район мактаблари қатори шаҳардан чиққан теримчи ёшлар ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бу уринда Янгийўл, Чирчиқ, Олма-ти, Бўна районларида пахта теримда қатнашдилар.

Мухбиримиз ўқувчиларни ва ўқитувчиларни асосан областимизнинг Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бўна районларида пахта теримда қатнашдилар. Умумхалқ ҳашарида 63 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этди. 1300 дан ортиқ ҳалқ маорифи ходими пахтакорга мададкор бўлди. Район мактаблари қатори шаҳардан чиққан теримчи ёшлар ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бу уринда Янгийўл, Чирчиқ, Олма-ти, Бўна районларида пахта теримда қатнашдилар.

Шунинг билан бирга, бу мактаб ўқувчилари ҳўжалик томонидан таъсис этилган Қизил байроқнинг бутун терим давомида қўлла сақлаб келдилар. Эндиликда бу байроқ мак-

табнинг Ленин хонасида сақланмоқда. Ангрэн шаҳри ўқувчилари ва ўқитувчилари буналик пахтакорларга катта ёрдам беришди. Теримда қатнашган ўрта яқин мактаб райондаги айрим ҳўжаликларнинг пахта тайёрлаш планини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Меҳнатда ўрнак бўлган мактаб ўқувчилари қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Йиғилушлик пахтакорларимиз зафаридан ишчи пахтакорларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Райондаги Собир Раҳимов номли, Ангелс номли, Киров номли, «Октябрь 40 йиллиги» қолхозлари пахтакорларининг оғирини енгил қилган Янгийўлдаги 4, 13, 17 мактабларнинг ҳам қозлари ёруғ. З. Умарова, В. Зуни ва Х. Каримов ўртоқлар директорли қилаётган бу билим ўчоқлари ўқувчилари ва ўқитувчилари илгорлар қаторидан ўрин олдилар.

Ўқувчилар ўз иш натижаларидан миннатдорлар. Улар заршунос пахтакорлар билан билим-терим, «оқ олтин» териб, ҳалол меҳнат қилдилар, деҳқон пешона тери билан етиштирилган дурдоналарни нес-ноубд қилмай йиғиб-териб олишга катта ёрдам беришди.

Област ҳалқ маорифи бўлими ва унинг жойлардаги органлари йиғим-теримда жонбозлик кўрсатган мактаблар хизматини алоҳида тақдирлади. Қўпгина мактабларда област ҳалқ маорифи бўлимининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Пахтачиллик — ота касбимиз. Шунинг учун ҳам каттаю-кичик «оқ олтин» меҳри билан яшайди. Ҳалқ маорифи ходимлари ва мактабларнинг меҳнатсевар ўқувчилари ҳам пахтакорларга мададкордир. Қўлимиздан келган ёрдамимизни бундан кейин ҳам улардан аямаймиз.

БИЗ КЎТАРГАН ХИРМОН

Мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари бу йил пахтакорларга яқиндан ёрдам бердилар. Дастлаб Янгийўл райониданги Охунбоев номли қолхоз далаларида йиғим-теримда қатнашди.

Ўқувчиларимиз тер тўқиб меҳнат қилдилар. Йиғим-терим қизғин авж олдирилган кунларда уларнинг ҳар бири кунига 50—60 килограммдан дур терди.

Шундан сўнг районимиз мактаблари қатори бизнинг билим ўчоғи ҳам Бўна райониданги

«Бўна» совхозига ёрдамга отланди. Бу ерда ҳам ўқувчилар ҳиммат кўрсатиб ишлашди. Уларнинг ғайрати туйғайли қисқа вақт ичида 6 тоннага яқин пахта, 60 тонна кўрак терилди.

Ўқувчиларимизнинг меҳнатдаги ғайратлари пахтакорлар томонидан муносиб тақдирланди. Биз ҳалол меҳнатимиз билан республикамизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшдик.

Х. МИРАҲМЕДОВ,
Тошкентдаги 63-мактаб директори.

ЁШИЛИК ҒАЙРАТИ

Тошкентдаги Қўйишев районига қарашли 171-мактабнинг юқори синф ўқувчилари Сирдарё области, Гулистон райониданги «Москва» қолхозининг иккинчи участкасида пахта тердилар. Мактаб коллективи қолхозга 70 тоннадан ортиқ кўрак ҳамда пахта териб берди. Қўмақчи ўқувчилар ўзaro мусобақани қизитиб, кунлик нормаларини доим ошириб бажардилар. Мусобақа натижалари ҳар ҳафтада яқинлашиб турилди. Илгорлар рабатидаги бўлиб, уларнинг ғайрат кўрсатиб ишлаётганликлари деворий газетдада мактаб ёзилди.

Пахтакорларга ёрдам берилган кунларда 10 синф ўқувчиларидан В. Муҳаммадиев, С. Муздрек, Т. Макарова, Жа. Яринов, Адиҳўжаевлар, 9-синф ўқувчиларидан Каримов, Султоновлар айниқса зўр ғайрат кўрсатдилар.

З. АХТИМОВА.

ЯНГИ ДЎСТЛАР ОРТТИРДИК

«Ҳамма — далага, пахта йиғим теримини!» деган шор ўртага ташланган бир пайтда умумхалқ ҳашаридан четда туриб бўлармиди? Асло! Қўлар қатори мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари ҳам ёрдамга чиндилар.

Районимиз ўқувчилари Оқ-қўрғон районини далаларида тер тўқидилар. Меҳнатнинг зағқи ўзгача бўлади, деганларича бор экан. Яқин ишладик, яқин дам олдик. Бунинг учун ҳўжаликда ҳамма имконият яратиб берилди. Иссиқ-савғимиздан хабардор бўлиб туришди. Дам олиш пайтларида ҳаваскорлар концерт қўйиб бердилар.

Ҳаммадан ҳам ўқувчиларимизнинг янги дўстлар орттиришлари айтаёйсизми! Ўғил-қизлар оққўрғонлик болалар билан алоқ-чалоқ бўлиб кетишди. Улар ўзaro хат орқали мустаҳкам алоқада қилиб тур, ринга сўз беришган.

Мактабимиздаги Ильяч хонасида учрашув кечасини ўтказамиз. Улуг доҳилини тугилган кунинг 100 йиллиғи арафи,

сида бўладиган бу тантаналар улар ҳам тақдиф этилади. «Оқ олтин» далалари ўқувчиларимиз учун қайноқ меҳнат ва чиниқлиш майдони бўлди. Болалар ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланди, уларни бир-бирларига яқин қилди.

М. ЯМИНОВ,
Чилонзор райониданги «Ўчқун» мактабнинг илмий бўлим мудири.

ЎҚУВЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўқувчилар тантанали линейкага саф тортишган. Йиғим-теримда актив қатнашаётган ўқувчиларнинг қувончлари айниқса чексиз эди. А. Латипов, С. Илҳамия, В. Федоров ва бошқа ўқувчилар неволари тилга олинишда ҳамма қарсақ чалиб юборди. Улар йиғим-теримда биринчи ўринни эгаллаган эдилар. Уларга қолхоз томонидан ажратилган қимматбаҳо буюмлар тортиқ этилди.

Шундан сўнг Олмалиқ шаҳар комсомол комитетининг кўма қизил байроғи мактаб коллективига топширилди.

Ҳақиқатда ҳам Олмалиқ шаҳридаги 16-мактаб ўқувчилари ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Улар Бўна районини пахтакорларда «оқ олтин» дурдоналарини теримда актив иштирок этдилар.

Ҳалол меҳнат кишини улуглайди деб шунини айтадилар-да!

ПОИТАХТНИНГ Қўйишев райониданги 148-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари Сирдарё областининг Гулистон райониданги «Социализм» совхозини далаларида ҳашарда бўлдилар. Улар кучи билан 150 тоннадан ортиқ пахта терилди. Суратда: шу мактабнинг меҳнатсевар ўқувчиларидан бир гуруҳи.

А. Абалин фотоси.

